Андижон собик Хўканд хонлигининг мухим шахарларидан бири. Хинд-мўгул давлати олийсининг асосчиси, кахрамон ва адиб султон Бобурнинг ватани ва хозирда Фаргона ўбластининг уезд марказидир. Усмонлича айтганда, койим макомлик макон.
Ушбу шахардан олган ажойиб бир мактубнинг босилиши диккатга лойик, деб билдик. Сохиби мактуб биздан хам гўзалрок сўйлаганидан ёзганларини айнан накл киламиз.

Ёзади:
«Мухтарам устозимиз Исмоилбек жаноблари! Андижоннинг баъзи буюклари менга айтадилар:
- «Сен Шалола, Турк Юрду, Шахбал, Таржимон, Вакт ва Икбол ўкийсан. Нима учун «Мирзо Бедил» ва «Хўжа Хофиз»ларни ўкимайсан?»
Бу саволга жавоб бўлгудек бир нарса айта олмадим. Агар жавоби бўлса «Таржимон»да босилишини ўтиниб сўрайман. Агар жавоби бўлмаса, «бу янги адабиётни» сувга, оташга отиб, вактим борича «Мирзо Бедил» ва «Хўжа Хофиз» мутолаасидан бош кўтармайман.

Сулаймонзода Абдулхамид Чўлпон

Эй, менинг шўрпешона шогирдим, сенга ва сенга ўхшаганларга дархол жавоб берамиз... Илтимос киламан, хамон адабиётни ўтда ёндирманг, сувга ботирманг! Мени «мухтарам устоз» деманг! Ўттиз йил дарс бериб, «адабиёт»ни ёндирилиши тўгрисида эшитган бир «устоз» мухтарам бўлмайди, хам устоз дейилишига хакки йўк. У, у бир бадбахт муаллимдир!

«Мирзо Бедил» Хиндистоннинг Шайх Саъдийси. Ёзган тамсилларида берадиган насихатлари, дархакикат гўзал ва фойдали нарсалар. Хўжа Хофиз эса маълум... Уларни бир, икки, беш марта ўкинг!
Уларда янги ва ёки эски адабиётга карши айтилган бир сатр кўрсангиз, менга хабарини беринг... Улар инсон каламидан тўкилмиш улуг девонлар. Локин улар «Куръон» эмас! Куръони азимуш-шаъннинг кирк жилддан иборат ўн бир турли тафсири борки, улар «Куръон адабиёти» дейилади.
Кардошим, «адабиёт» ўтда ёкиладиган нарсалардан эмас, ружуъ ила тавба килинг! Мирзо Бедил, Шайх Саъдий, Хўжа Хофиз ўкитилади, ўкитилиши керак. Лекин, уларда бўлмаган нарсаларни ўкимок ва ўрганмок керак эмасми?
Улар тўрт-беш юз йил мукаддам ёзилган нарсалар: хозирги асрга доир бирор сўз йўк. Бу кунни, бу асрни билишни хохласангиз на Шайх Саъдий рахбарлик килади, на Мирзо Бедил далолат беради. Замонамизнинг тижорати, ракобати, идораси ва сиёсатидан, эхтиёжи ва заруратидан, уруши ва талашидан хабар ва маълумот Мирзо Бедил ёки Хўжа Хофизда йўк.

Буларни билиш керак бўлса икболларни, таржимонларни, вактларни, турк юрдуларни ва булардан бошкаларини ўкимок керак. Агар, керак бўлмаса, осмонга караб, юлдуз-ларга, сайёраларга бокканингизча тураверинг! Лекин, «адабиётни ёндирманг - айб... Адабиёт сизга: - Жохил бўлинг, демас.
- Сафил бўлинг, демас.
- Оламга кулгу бўлинг, демас.
- Дунёсевар киши бўлинг, демас.
- Бошка инсонларга нисбатан хайвон колинг, демас. Адабиёт ўтда ёнмас, сувга ботмас. Лекин, ёндирганларни ёндиради, ботирганларни ботиради, сувга эмас, лойга, балчикка ботиради!
Ботганимиз, ётганимиз оз бўлдимики, яна хохлайсиз?
Мирзо Бедил, Хофиз Шерозий, Шайх Саъдий, «Гулистон» ёки «Анварул-ошикийн» хўб улуг номлар, хўб маргуб асарлар. Улар ўкилиши керак. Лекин, улар етарли эмас. Замонамиз бошка замона, гурунгларимиз бошка гурунглар. Асрнинг, замоннинг камолот ва ирфони эски адабиётда эмас, янги адабиётда бўлади. Аср, замоннинг хол ва садоларига кулок беринг. Шухратли ислом олами бу кун бир «дорул-ожизийн, макони гофилийн» холига келган... Бу доиранинг бир махалласи Андижон, иккинчи махалласи Богчасарой харобаларидир.
Бу жавобни хар кимга айтишинг мумкин. Махфий эмас.

Исмоил Гаспринский, «Таржимон», 1913 йил 27 ноябрь